

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ СУДИ
ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНING
А Ж Р И М И
№ 1-1407-2401/58

2024 йил июль ойининг 23 куни Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи вилоят судининг судьяси М.Эргашев, ҳайъат судьялари Ф.Худайбердиев ва А.Акрамовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Д.Раджабованинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори У.Рахимов, судланувчи Д.Ғ Ҳимоячиси-адвокат К.Абдуллаевнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг 2024 йил 13 июндаги ҳукмига кўра, судланувчи

Ғ.Д.С.ў (G`D.S o`g`li), 19xx йил xx октябрь куни Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, хххх яшаган, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланувчи Д.Ғ ва унинг ҳимоячиси-адвокат К.Абдуллаевнинг апелляция шикоятига асосан жиноят ишини апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Д.Ғ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан 13 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони умумий тартибли колонияда ўташ белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, судланувчи Д.Ғ 2023 йил 28 декабрь куни соат 10:30 ларда Иштихон тумани, “Тойтуёқ” маҳалласида жойлашган “Ибодулла Нуруллаев” фермер хўжалиги ер майдонида чорва моллари ўтганлиги сабабли хўжаликнинг ишчиси Б.Н билан ўзаро оғзаки тортишиб, бир-бирларини ҳақорат қилишган.

Шундан сўнг, Д.Ғ 2023 йил 29 декабрь тонги соат 03:00 ларда спиртли ичимлик таъсирида, маст ҳолда Б.Н уни ҳақорат қилганлигини ўйлаб, у билан учрашиб, орани очиқ қилиш учун фермер хўжаликнинг дала майдонидаги Б.Нурмурадов яшайдиган шийпонига бориб, у билан жанжаллашган.

Ўз навбатида, Б.Н ўзини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик болтасини қўлига олганда судланувчи Д.Ғ болтани унинг қўлидан тортиб олиб, Б.Н қасддан ўлдириш мақсадида унинг ҳаёти учун муҳим тана аъзоларига болта билан бир неча марта зарба бериб, шу орқали ички ва ташқи қон йўқотиши билан кечган, бўйин соҳасида трахеа бўшлиғига тешиб кириб, хушини йўқотганлигидан фойдаланиб, Б.Н кўкрак қафаси, тўш суяги, чап елка, 1,2,3,4,5-қовурғаларининг синиши каби тан жароҳатлари етказиб, уни қасддан ўлдирган.

Судланувчи Д.Ғ ва унинг ҳимоячиси-адвокат К.Абдуллаев шикоятида, Д.Ғ айбига иқдорлиги, қилмишидан пушаймондалиги, жабрланувчига нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ўрни қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, оилавий аҳволи, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича вилоят судининг судьяси А.Акрамовнинг маърузасини, прокурор У.Рахимовнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш



ҳамда судланувчи Д.Ғ химоячиси-адвокат К.Абдуллаевнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятда келтирилган вазиятни жинойт иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қуйидаги асосларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Судланувчи Д.Ғ суд ҳукмида баён қилинган жинойтни содир қилганликдаги айби, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, судда сўроқ қилинган жабрланувчи У.Н, гувоҳ А.М, Х.Р ва Ф.И кўрсатувлари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, мурдага оид суд-тиббий экспертиза хулосаси, қон гуруҳидан намуна олиш, далилий ашёларни экспертиза хулосалари, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар, мед-криминалистика экспертиза хулосаси, тушунтириш хатлари ва сўроқ баённомалари ҳамда жинойт ишидаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жинойт-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори 2-бандида, далил тегишли субъект томонидан, яъни далилни олиш билан боғлиқ бўлган процессуал ҳаракатни ўтказишга ваколатли мансабдор шахс томонидан олинган бўлиши;

фактга оид маълумотлар фақат ЖПК 81-моддасининг иккинчи қисмида қайд этилган манбалардан олинган бўлиши;

далил уни олиш билан боғлиқ процессуал ҳаракатни ўтказишга оид қоидалар ва тартибга риоя этилган ҳолда олинган бўлиши;

далилни олишда тергов ва суд ҳаракати жараёни ва натижаларининг қайд этилишига доир қонуннинг барча талабларига амал қилинган бўлиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди, жинойт ишини кўришда юқоридаги қоидаларга амал қилган ҳолда, тўпланган далилларга ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назардан баҳо бериб, ЖПКнинг 22-моддаси талабига асосан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб, қонуний ва асосли тўхташга келган.

Биринчи инстанция суди судланувчи Д.Ғойибовнинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Шикоятдаги, Д.Ғ айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймондалиги, жабрланувчига нисбатан етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг ўрни қопланганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги, оилавий аҳволи, қарамоғида тўрт нафар вояга етмаган фарзанди борлиги, оилада ягона боқувчилигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроғини тайинлаш ҳақидаги вазлари билан келишиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси 4-қисмида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

25-моддасида, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир ва у қонун билан муҳофаза қилиниши, инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жинойт эканлиги;

ЖКнинг 7-моддаси 2-қисмида, жинойт содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жинойт содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

8-моддаси 1-қисмида, жинойт содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жинойтнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.



Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида;

26-бандида, озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Гарчанд, иш ҳужжатларида жабрланувчи У.Н, судланувчи Д.Ғ нисбатан даъвоси йўқлиги, маракаларга қисман қарашганлиги тўғрисида ариза берган бўлса-да, келтирилган апелляция шикоятни бўйича берган эътирозномасида, апелляция шикоятига қўшилмаслиги, суднинг ҳукмини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи Д.Ғ нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида кўрсатилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорлари тушунтиришларига риоя қилиб, Д.Ғ томонидан содир этилган жиноят – ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига кўра, тажовуз объекти ўзга шахснинг ҳаёти ҳисобланиши, ушбу жиноий қилмишнинг қонунда ўта оғир жиноятлар тоифасига киритилганлиги сабабли ижтимоий хавфли ҳисобланишини, унинг шахси, айбига иқдорлиги, қилмишдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлиги каби айбини енгиллаштирувчи ҳолатлари ҳолатларини инобатга олиш билан бирга, унинг содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жиноятни спиртли ичимлик истеъмол қилган маст ҳолда содир қилганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаб, қонуний, асосли ва адолатли тўхташга келган.

ЖПКнинг 497²⁶-моддасида, апелляция инстанцияси суди жиноят ишини кўриш натижаларига кўра ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикоятини, протестини эса қаноатлантирмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилиши белгиланган.

Шунга кўра, судлов ҳайъати шикоятдаги вазлар суднинг ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилишга асос бўла олмаслиги сабабли, биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси суди

а ж р и м қ и л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг 2024 йил 13 июндаги **Ғ.Д.С ўғли** (**G`D.S o`g`li**)га нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгаришсиз, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи судья

(имзо)

М.Эргашев

Ҳайъат судьялари

(имзо)

Ф.Худайбердиев

(имзо)

А.Акрамов

“Ажрим нусхаси аслига тўғри”

